



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

2007 йил
7 апрель
ШАНБА
№ 29
(11.936)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади



СУРАТЛАРДА:
тадбирдан лавҳалар. Даврон АХМАД олган суратлар.

ДЕПУТАТЛИКНИНГ МАСЪУЛИЯТИ КАТТА

Ўртачирчиқ туманида Ижтимоий ҳимоя йилида амалга оширилган давлат дастурини бажариш билан боғлиқ масалаларга бағишланган вилоят семинар-кенгаши ўтказилди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Наримон Ҳайиткулов бошқарган ушбу кенгашида халқ депутатлари шаҳар ва туман кенгашларининг фаолиятини такомиллаштириш, доимий комиссиялар ишидаги самарадорликни ошириш, депутатларнинг иш-хотларини ҳаётга татбиқ этиш жараёнидаги иш-тироқини кучайтириш, янги

иш ўринлари ташкил қилиш ва ижтимоий ҳимоя масалалари ҳусусида атрофлича фикрлашиб олинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси раиси Ғафур Алиевнинг маърузаси иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Ҳамид НОРҚУЛОВ.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотларининг «Меҳр» бирлашмаси ташаббуси билан «Оммавий ахборот воситалари ва Гендер тенглиги» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

МАТБУОТДА АЁЛ МАВЗУСИ

Йигилишда хотин-қизларнинг давлат ва нодавлат ташкилотлари, тадбиркорлик тузилмаларида тенг ва муносиб ўринни эгаллашда оммавий ахборот воситалари ролини ошириш ва журналистлар фаолиятини таъминлаш масалалари теваарағида фикрлашиб олинди. Унда оммавий ахборот воситалари ходимлари, журналистлар ҳамда турли давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этдилар. Давра суҳбатда хотин-қизлар ҳаракатини ривожлантириш истикболлари, уларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнлардаги мавқеини ошириш, давлат ташкилотларининг нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш мавзулари мотбуот ва оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалалари кенг муҳокама этилди.

Саида РАҲМОНОВА.

КЎКЛАМ ТУҲФАСИ БЎЛДИ

Юртимиз бўйлаб Наврўз шодиёналари давом этаётган айни шукўҳли кўнларда жойларда аҳолига маиший ва савдо хизмати кўрсатувчи янги шахобчалар ишга тушмоқда.



мазкур шахобчалар хозирданок мижоз ва харидорлар билан гавжум бўлмоқда.

Алишер РАҲМАТОВ.

«ШЎРАЛИСОЙ» ЁШЛАРИ УЧУН

Мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллик байрамига атаб Янгийўл туманидаги «Шўралисой» қишлоғи ёшларига муносиб совға хозирланаяпти.



кониятига эга бўлади. Хозир муассасада иш жадал давом этмоқда. Қурилишни 2-кўчма механизациялашган колонна жамоаси ўз зиммасига олган. Лойиҳа қиймати 1 миллиард 350 миллион сўм бўлган муассаса махсус ўқув-лаборатория, кутубхона, ошхона, спорт ва мажлис заллини ўз ичига олади.

Шерзод ҒАЙРАТОВ.

ДАСТУР ДОИРАСИДА

«Охангаронцемент» очик акциядорлик жамияти «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали фондига 40 миллион, Охангарон шахрининг ижтимоий юксалиши учун 20 миллион, футболнинг миллионлар ўйини сифатида оммалашуви 10 миллион сўм маблағ ажратди.

— Дастур доирасида белгиланган режаларимиз кўлами кенг, — дейди корхона матбуот маркази раҳбари Нодир Зоҳидов. — Албатта, бундан мақсад шахримиз аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш, ёш авлодни маънан ва жисмонан соғлом бўлиб етишиши учун шарт-шароитлар яратишдир.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

МИЖОЗЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

«Ўзбекистон МТС» уяли алоқа компаниясининг Янгийўл шаҳридаги филиали янги бинога кўчиб ўтган, бу ерда абонентлар учун қатор қулайликлар яратилди.



рига компания ва филиал маъмурияти томонидан 290 миллион сўм маблағ ажратилди, — дейди шаҳар ҳокимлигининг қурилиш масалалари бўйича бош мутахассиси Ботир Кулунбетов.

Мунира РАҲАБОВА.

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси вилоят кенгашининг навбатдан ташқари мажлиси ўтказилди.

Нафақага чиқиши муносабати билан Турғун Эргашев партия вилоят кенгашининг биринчи котиби вазифасидан озод қилинди. Ўзбекистон Республикаси Оқсқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси вилоят кенгашининг раиси Камолжон Шодиметов

вилоят партия кенгашининг биринчи котиблигига сайланди.

Мажлисида «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий Кенгашининг биринчи котиби, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси-

нинг раҳбари Дилором Тошмухамедова иштирок этди.

Б. РАҲМАТОВ.

ЧОРАК ЯКУНЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2007 йил биринчи чорагидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ақунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 февралдаги мажлисидаги 2006 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ақунлари ва 2007 йилда иш-хотларини чўқурлаштиришнинг устувор вазифаларига бағишланган маърузасида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар соҳасида ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чўқурлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Хисобот даврида соҳа корхоналари томонидан меъёрий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чўқурлаштириш, оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва эркинлаштириш, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хорижий инвестицияни жалб этиш, молиявий ва ижро интизомини кучайтириш, хизматлар турларини кўпайтириш, телекоммуникация тармоқлари ва

бар ходимларнинг ушбу вазифаларни бажаришга доир масъулиятини ҳамда хорижий инвестициялар таркибиде тўғридан-тўғри инвестициялар салмоғини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Жорий йилда ахборот-коммуникация технологиялари ва матбаа соҳаларида хизмат кўрсатишини ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш суъратларини янада жадаллаштириш, жумладан, қишлоқ жойларда алоқа соҳасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, наشريёт-матбаа ижодий уйлари қошида аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқларини ташкил этиш ва кенгайтириш бўйича олиб борилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратиш топирилди.

Шу билан бирга, ижро интизомини кучайтириш, Комплекс таркибидеги идоралар раҳбарларининг шахсий масъулияти ва жавабгарлигини ошириш, тайёрланган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатини янада яхшилаш, устувор давлат дастурларининг бажарилишини таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ў.А.

Пойтахтимизда «Энергетика. Кимё. Машинасозлик» халқаро кўргазмаси ҳамда «Лаборатория экспо» ихтисослашган Марказий Осиё кўргазмаси очилди. Ушбу тадбирлар «ZagExpo» халқаро

ЭНЕРГЕТИКА, КИМЁ ВА МАШИНАСОЗЛИК

Истиклол йилларида Ўзбекистон ўзини ўзи энергия билан таъминлаш имконига эга бўлди. Айни пайтда юртимизда энергия ресурслари, аввало, кўп микдорда энергия сарф этадиган тармоқлар — кимё, рангли металлургия, электр энергетикаси сингари соҳаларда тежамкорликни таъминлаш бўйича чоратадбирларни амалга оширишга алоҳида аҳамият қаратилаётган. Ватанимиз ҳудудининг табиий захираларга бойлиги энергетика, кимё, машинасозлик санаятида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, соҳага хориж сармоясини кенг жалб этиш имконини бермоқда.

Мазкур кўргазмаларда мамла-

кўргазмалар компанияси томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзбекэнерго», «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниялари, Республика Савдо-саноат палатаси кўмағида ташкил этилди.

Назокат УСМОНОВА,
Ў.А. муҳбири.

САЙЁҲЛИК СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 6 апрель куни Ўзбекистон Хусусий сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси, Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ҳамкорлигида Япония сайёҳлик бозорига талаб ҳамда Ўзбекистоннинг сайёҳлик имкониятларига бағишланган семинар ўтказилди.

Мазкур анжумани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад хориждан сайёҳларни жалб қилиш усуллари борасида япониялик мутахассислар билан тажриба алмашиш, ҳамкорликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятларини ўрганишдан иборат.

Тегишли вазирлик, идора, ташкилот, компания ва сайёҳлик фирмалари вакиллари иштирок этган тадбирда мамлакатимиз сайёҳлик соҳасида улкан имкониятларга эга экани алоҳида таъкидланди. Тарихи неча минг йилларга бориб тақаладиган қадимий ва навқирон шаҳарларимиз, юртимизнинг гўзал табиати инъом этган истироҳат масканлари ҳар қандай сайёҳ эътиборини ўзига жалб этади. Шу боис Президент Ислам Каримов раҳнамолигида

ушбу соҳа инфратузилмасини янада ривожлантириш, Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини хорижда кенг тарғиб этиш, сайёҳликнинг экотуризм, маърифий ва жисмоний сайёҳлар каби турларини шакллантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Тадбирда Япония сайёҳлик агентликлари уюшмасининг йирик аъзоларидан бири — «Proco Air Service» компанияси ижрочи директори Касахара Тошиакиси анжуман иштирокчиларини Қуниқаро мамлакатдаги туристик фирма ва компаниялар фаолияти билан таништирди. Шунингдек, япониялик сайёҳларни Ўзбекистонга янада кенгроқ жалб қилиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ирода УМАРОВА,
Ў.А. муҳбири.

9 апрель — Амир Темур тавамуғи куни

Тошкент вилояти Буюк ипак йўлида тарққий этган қадим маконлардан бири бўлиб, кенг тарихий жараёнларни бошидан кечирган. Қулай маконлиги, мўътадил иклими, серсувлиги ва бошқа хусусиятлари туфайли бу майдонлар инсоният томонидан жуда эрта ўзлаштирилган. Ҳўжакент, Обираҳмат горлари,

Қўлбулоқ макони каби тарихий ёдгорликлардан топилган, турли мақсадларда қўлланилган тош қуруллар ва қоятошга туширилган турли ибтидоий суратлар, Чирчиқ, Охангарон водийларида қорва-чилик ва деҳқончилик маданиятига оид қадимий қароргоҳларнинг аниқлангани фикримизнинг далилидир.



ГЎЗАЛ ВОҲА БЎЙЛАБ ҚОЛГАН ТАБАРРУК ИЗЛАР

Аҳоли томонидан ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида Тошкент вилоятининг майдони кенгайиб, янги-янги шаҳарлар, қишлоқлар вужудга келган.

Вилоятнинг қадимги тарихи ҳақида ёзма манбаларда аниқ маълумотлар учрамайди, лекин археологик тадқиқотлар натижасида турли даврларда юзлаб шаҳар ва қишлоқлар мавжуд

бўлганлиги аниқланмоқда. Зардуштийларнинг «Авесто» китобида, шунингдек, қадимги Шарқ манбаларида бу улқа милоддан аввалги II асрда Кангўй давлати таркибиде булганлиги каби қисқа маълумотлар учрайди.

Турли даврларда бир қатор йирик давлатлар таркибиде ривож топган Тошкент вилояти XIII аср ва XIV асрнинг би-

ринчи ярида Чигатой улуси таркибиде, XIV асрнинг иккинчи яридан XV асрнинг 80-йилларида Амир Темур ва темирўйлар давлати таркибиде булган ва буюк салтанатнинг барча ҳудудларидаги каби бу ерда ҳам бунёдкорлик ишлари амалга оширилган, маданият ва маърифий йўналишларда муваффақиятларга эришилган.

(Давоми 4-бетда).

ТАЖРИБА-СИНОВ МАЙДОНИ

Пскент туманидаги 6-мактаб информатика фанидан ҳудудий тажриба-синов майдони эътиб белгиланди. Ҳақиқатан ҳам мазкур билим даргоҳида информатика фанини ўқитиш яхши йўлга қўйилган. 6-синфда «Ҳўжатларни қайта ишлаш технологиялари» курси бўйича ўқув машғулотларини олиб бораётган ўқитувчи Раъно Мухторованинг бой иш тажрибаси алоҳида эътиборга сазовордир.

Ақбар АЛИЕВ.

кузатув пайти лаҳзалари.
Еркебой БОТИРОВ
олган суратлар.

ЎЗА.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг миллионликни ривожлантириш шарқармасидан олинган маълумотларга кўра, бу йилги ҳавсудда мамлакатимизда 22 млн тонна сифатли лилла шатириш ржалаштирилди. Шу мақсадда 508 млн итап курти уруги тайёрланди. Уларни жонлантиран инкубаториялардан ун етти юзаси қайта тўрланди.

Мавсумда барг танқислирин олдини олиш мақсадда 82 миллион яқка тут ор ва 53 млн гектардан яд тўлдириш бахориш юмдун

Сайёра ШОЕВА,
А шарҳловчиси.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ
ёзиб олди.

**Азизбек ҲАКИМОВ,
Тошкент Давлат
иқтисодиёт
университети талабаси.**

бош шифокор ўринбосари Равшан Алихўжаев ва ҳамшира Тамара Кулмонова билан.

Муаллиф олган сур

ман, Аввал Устоздо» ишлаб чиқариш қорҳонасида шогирдликка тушдим. Секин-асан таъриба ва маҳоратим орта бошлади. Устозларимнинг ҳар бир ўғити ҳаёtimда муҳим дастрўламал бўлиб келатўр.

Ижод, изланиш жараёнида буюк мусаввир Қамолиддин Бехзод йўналишини интиламанд. Алишер Навоий, Низомий Ганжавий ҳамда За-

Шу қунгаҳа ижод намуналарим республика ва турли хорижий давлатлардаги кўргўзмаларда муносиб баҳола-ниб келатўр. Малайзия пойтахти Куала Лумпур, Германиянинг Франкфурт шаҳарларида, Японияда ташкил этилган кўргўзмаларда ҳамда Париждаги ЮНЕСКО Мир-созда ўтказилган Мир-соз Улуғбекнинг 660 йил-лик юбилейида ҳам ижодим томошабинлари

Файрат
РАХМАТУЛЛАЕВ,
зангиоталик
хунарманд.

Почта алоқаси бўлимлари ва почтаъёнлар томонидан 2007 йил март ойи пенсия ва нафақа пуллари пенсионерларга тўлиқ етказилган.

Жорий йилнинг март ойи пенсия ва нафақа пуллари етказилиши таъминланмаган ҳолатлар бўлса 50-04-43, 50-93-94 ва 50-03-71 рақамли телефонлар орқали "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиалига мурожаат қилишингизни сўраймиз.

«Ўзбекистон' почтаси» ОАЖ Тошкент филиали маъмурияти.

Собир Раҳимов туманидаги 1-умумий ўрта мактаб томонидан 2003 йилда Иминекариев Раҳимжон Аҳмеджонович номига берилган О'Р-З 0414936 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.	Бўстонлиқ тумани Бурчмулла қишлоғидаги 39-ўрта мактаб томонидан 2004 йилда Алимов Эльнур Раҳимжонович номига берилган О'Р В 0126222 рақамли attestat йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
---	---

Спорт | Спорт | Спорт |

ПАРКЕНТДАГИ
БЕЛЛАШУВ

Мақтаб ўқувчилари ўртасида ўтказилиб келинаётган «Умид ниҳоллари» ўйинларининг вилоят босқичи таркибига киририлган белбоғли кураш беллашувлари Паркент туманида бўлиб ўтди.

Унда вилоятнинг бешта худудидан 55 нафар полвон 7 вазн тоифасида куч синашди.

Беллашувларга Ш. Махсумов, Қ. Холов, Р. Арзиматов, Қ. Дадамаев, И. Абдусаттаров каби тажрибали мутахассислар ҳакамлик қилишди.

Яқини натижаларга кўра, барча вазн тоифалари бўйича ғолиблик паркентлик ҳамда пскентлик ёшларга насиб этди.

Паркент полвонлар юрти деб бежизга айтилмаган, — деди мусобақа ғолиби Абдуҳалил Мирвалиев. — Бу ернинг ҳавоси, суви, тупроғи ҳар кимни ҳам полвон бўлишга қорлайди. Ушбу мусобақада туманим шаънини муносиб ҳимоя қилиб, 71 килограмм вазнли курашчилар ўртасида 1-ўринни эгаллаганимдан хурсандман.

Ғолиблар мусобақанинг республика босқичига йўлланмаларни кўлга киритдилар ва фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Абдузхур КОРАБОВЕВ.

ПОЛВОНЛАР ТОШ
КЎТАРГАНДА

Даст ва силтаб кўтариш бўйича рақибларидан устун келган М. Тоғаева, М. Масолиева, Э. Асланова, Е. Сисоева, К. Чермашева, С. Чермашева ҳамда Е. Рябова чемпионатнинг олтин медаллари билан тақдирланди.

Эркалар ўртасидаги бел-

Чирчиқ олимпия захиралари коллежи спорт мажмуида оғир атлетика бўйича эркалар ва аёллар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида юрти-мизнинг энг кучли спортчилари ғолиблик учун курашди.

лашувларда А. Абдуллаев, Ф. Хусанов, С. Нуруллаев, С. Раупов, А. Усмонов, Ш. Алихонов, И. Ефремов ва А. Мартемьянов энг кучли эканлигини исботлаб, Ўзбекистон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

Зоҳир ТОШЎЖАЕВ,
ЎЗА муҳбири.

ЁШ ТАЭКВОНДОЧИЛАР
БАҲСИ

Шу коллежнинг ўзида таэквондо бўйича болалар ўртасида мамлакатимиз биринчилиги якунланди.



Умумжамоа ҳисобида энг кўп совринли ўринларни эгаллаган «Тошкент-1» жамоаси биринчи погонани банд этган бўлса, иккинчи ўрин Чирчиқ шаҳри терма жамоасига насиб этди. Шунингдек, «Тошкент-4» жамоаси шарафини ҳимоя қилган таэквондочилар ҳам кучли учликдан жой олди.

ЎЗА.

Янги таржималар

Камбағал деҳқон нонуштага аталган бир бурда нонни кўпчилиги тикиб, ер ҳайдагани жўнади. Омочни тўғрилади, нонни чакмонига ўраб, панага қўйди. Отнинг силласи қуриб, ўзининг қорни оғанда ишни тўхтатди. Жониворни ўтлоққа қўйди ва ўзи тамадди қилиш учун чакмонни кўтариб қарадики, нон йўқ. Чакмонни ағдариб, силкитиб кўрди — нон топилмади. Деҳқон хайрон бўлади: «Е алҳазар, ҳеч ким йўқ эди, аммо нон қаёққа кетди экан?»

Деҳқон ер ҳайдаётганда шайтонвачча нонни олиб, панага ўтди-да, деҳқоннинг жигибирон бўлиб, сўкинишидан ҳузурланмоқчи бўлди. Аммо, деҳқон ўзича ҳасрат қилди:

— Хай, майли, очдан ўлиб қолмасман. Керак бўлгандирки, олишган. Ош бўлсин!

Шундай деб у қудукдан сув ичди, бироз дам олди, сўнг от жабдуғини бўйнига илди ва яна ер ҳайдашга тушди.

Шайтонвачча деҳқонни йўлдан оздирилмаганидан афсусланди ва катта шайтоннинг ҳузурига бориб, нонни қандай қилиб олгани, деҳқон эса бошлаб сўкиниш ўрнига «Ош бўлсин!» деганини айтди. Катта шайтоннинг жаҳли чикди:

— Бу ишда деҳқон сендан ғолиб чиққан экан, ўзинг айбдорсан. Агар деҳқонлар, уларнинг ортдан хотин-халалар шундай қилишар экан, бизнинг шайтонлигимиздан маъни қолмайди. Бор, деҳқоннинг олдида жўна, ўша олган нонингни оқла! Агар уч йиллик муҳлатда деҳқондан ғолиб келмасан, сени муҳлатдас сувда чўмилтирганим бўлсин!

Шайтонвачча кўрқиб кетиб, айбимни қандоқ қилиб ювсам экан, дея бош қотира бошлади. Уйлай-уйлай, ахир йилини топди. Яхши бир одам қиёфасида деҳқоннинг хизматида кирди. Унга қорқоқчилик пайтида ботқоқликка бугдой экишни ўргатди. Деҳқон хизматкорининг гапига кириб, ботқоқликка бугдой экиди. Бошқа деҳқонларнинг экинни жазирамада қовжираб кетганида, камбағал деҳқоннинг бугдойи

қалин, бўлиқ ва сербошоқ бўлиб, дони келаси йилги ҳосилгача етиб, яна анчаси ортиб ҳам қолди. Ёзда хизматкор деҳқонга тоққа бугдой экишни ўргатди. Ёз серёғин келди. Бошқа одамларнинг экинни етиб қолиб, пайхон бўлди, ёлчи-тиб ҳосил бермади. Деҳқоннинг хирмонига янада барака кириб, ортиқча гал-

хўжайиннинг ўзи хизмат қила бошлади. Қақчилмаган бир камбағал деҳқон келиб, даврага қўшилди, у ҳам ичкилик билан ҳордигини ёзмақчи эди. Аммо хўжайин уни сийламади, ўзича «Хамманга винони қаёқдан етказаман?» дея мингирлаб қўйди. Бу ҳам катта шайтонга ёқиб тушди. Шайтонвачча эса



Лев ТОЛСТОЙ

Шайтон деҳқонни йўлдан оздирилмаганидан афсусланди ва катта шайтоннинг ҳузурига бориб, нонни қандай қилиб олгани, деҳқон эса бошлаб сўкиниш ўрнига «Ош бўлсин!» деганини айтди. Катта шайтоннинг жаҳли чикди:

— Бу ишда деҳқон сендан ғолиб чиққан экан, ўзинг айбдорсан. Агар деҳқонлар, уларнинг ортдан хотин-халалар шундай қилишар экан, бизнинг шайтонлигимиздан маъни қолмайди. Бор, деҳқоннинг олдида жўна, ўша олган нонингни оқла! Агар уч йиллик муҳлатда деҳқондан ғолиб келмасан, сени муҳлатдас сувда чўмилтирганим бўлсин!

Шайтонвачча кўрқиб кетиб, айбимни қандоқ қилиб ювсам экан, дея бош қотира бошлади. Уйлай-уйлай, ахир йилини топди. Яхши бир одам қиёфасида деҳқоннинг хизматида кирди. Унга қорқоқчилик пайтида ботқоқликка бугдой экишни ўргатди. Деҳқон хизматкорининг гапига кириб, ботқоқликка бугдой экиди. Бошқа деҳқонларнинг экинни жазирамада қовжираб кетганида, камбағал деҳқоннинг бугдойи

ласи анча кўпайди. Бу бой-ликини нима қиларини билмай, боши қотди. Энди хизматкор деҳқонга галладан ичимлик тайёрлашни ўргатди. Ўзи ичиб, бошқаларни ҳам сийлашга тушди. Шайтонвачча катта шайтоннинг олдида бориб, нонни оқлаганини айтиб, мактанди. Катта шайтон воқеани ўз кўзи билан кўриш учун деҳқон ҳузурига келди. Қарадики у бойбадавлатларни тўплаб, ичимлик билан меҳмон қилапти. Уй бекаси ҳам хизматда. У даврани айланиб ўтаётган эди, кийими столга илиниб, стакандаги ичимликини тўкиб юборди. Деҳқон жаҳл билан хотинини сўқди:

— Эҳ, аҳмоқ! Бу сенга ювинди эмас, шундай табаррук нарсани увол қилдинг-а!

Шайтонвачча катта шайтонни туртиб қўйди: «Парча нонни қизғонмаслигини энди кўриб қўй!» Хотинини сўка-сўка энди

таъзини беришди. Буни кўриб турган катта шайтон янада мамнун бўлди:

— Айни муддао! — Хали шайтонвачча, — деди шайтонвачча, — бундан баттар бўлади. Ҳозир улар бўридай ғажишпоти, учинчи стакандан сўнг нақ чўққанинг ўзи бўлишди-қолади.

Деҳқонлар бўларича бўлдилар. Бир-бирларига гал бермай, оғизларига келганини қайтармай, бақириб-чақириб, дуч келган томонга тарқай бошладилар. Кимдир ёлғиз, бошқалар тўп-тўп бўлиб кўчада юмалаб қолишди. Меҳмонларни кузатган чикқан хўжайин нақ тумшуги билан балчиққа қўлаб, чўққадек пишиқиб ётаверди.

Катта шайтоннинг дими чоғ эди:

— Зап ичимликини ўйлаб топибсан-да, — деди у. — Қани, айтчи, бу ичимлики қандай тайёрладинг? Хойнаҳой, сен унга энг аввал тулкининг қонидан қўшгандирсан, деҳқоннинг тулкидай айёр бўлиб қолгани бежиз эмас. Кейин бўрининг қонидан қўшгансан, бўридай жангари бўлгани шундан. Энг охирида, чўққанинг қонидан ҳам аралаштиргансан. Ўзим нақ чўққага айланиб қолдику!

— Йўқ, — дея жавоб қилди шайтонвачча. — Мен бор-йўғи унга ортиқча галла ҳада қилдим, холос. Бунақа хайвоний жазава хамиша унинг қонида бор, фақат меҳнат билан, қорни яраша нон тоғинида унга йўл йўқ эди. Ушанда у сўнгги парча нонни ҳам аямаганиди, ортиқча нонни кўпая бошлаши билан ўзига эрмак топиш пайига тушиб қолди. Мен уни ана шундай эрмакка — винога ўргатдим. Яратганинг инояти билан эришган ортиқча бойлиқни бир эрмак йўлида совириши ҳамоноқ ундаги ўша тулки, бўри ва чўққа қони ғимирлаб, жунбўшга келди. Энди озги ичкиликка тегиши билан хайвонга айланаверади.

Шайтон ўз кўзлари билан кўрган синоатлардан мамнун бўлиб, шайтонваччанинг бир парча нон тўфайли қилган гуноҳини кечирди.

Шодмон ОТАБЕК таржимаси.

9 апрель – Амир Темури тавамуғи куну



Тарихий ёзма манбаларнинг шохидлик беришича, Амир Темури Тошкент вилояти билан боғлиқ фаолиятлари ҳақида ёзма манбалардан бизга оз маълумотлар етиб келган бўлсада, уларнинг бу ҳудудда олиб борган бунёдкорлик ишлари салмоқлидир. Чунки, ўз давлат чегараларининг мустаҳкам бўлиши лозимлигини чуқур идрок этган Амир Темури биринчи навбатда Тошкент воҳаси каби дашт билан чегарадош ерларни мустаҳкамлаш ишларига алоҳида эътибор берган. Жумладан, Тошкент шаҳри душман қўшинлари ҳужумига

бардош бера оладиган мудофаа девори билан ўралган эди. Масалан, бу шаҳарни Шайбонийлардан Абдуллахон II фақат еттинчи уринишдагина олган. Бундан ташқари, бу шаҳар кўчманчилар билан кенг майдонда савдо-сотик олиб борадиган маскан бўлиб ҳам хизмат қилган. Амир Темури давридаги бунёдкорлик ишларидан бири Окқўрғон туманидаги қалъа-шаҳар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ёзма манбаларнинг шохидлик беришича, бу Шохруҳия қалъа-шаҳри Амир Темури томонидан 1392 йили Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган ва Чингизхон қўшинлари томонидан вайрон этилган қадимги Фанокат шаҳри харобалари ўрнида

келтиришимиз мумкин. Гарчи Амир Темурининг ва темурийзолаларнинг Тошкент вилояти билан боғлиқ фаолиятлари ҳақида ёзма манбалардан бизга оз маълумотлар етиб келган бўлсада, уларнинг бу ҳудудда олиб борган бунёдкорлик ишлари салмоқлидир. Чунки, ўз давлат чегараларининг мустаҳкам бўлиши лозимлигини чуқур идрок этган Амир Темури биринчи навбатда Тошкент воҳаси каби дашт билан чегарадош ерларни мустаҳкамлаш ишларига алоҳида эътибор берган. Жумладан, Тошкент шаҳри душман қўшинлари ҳужумига

бунёд этилган. Стратегик жиҳатдан қулай ерда жойлашиб, Сирдарё қирликлари ва сойлар билан туташган қалъа-шаҳарнинг мустаҳкам мудофаа девори ва бир-бирига яқин буржлар билан қайта ўралганлиги унинг мудофаа қобилиятини янада оширади. Бу ёдгорлик харобаларида олиб борилган археологик қазув ишлари натижасида пахсадан қалин ва баланд қилиб ишланган мудофаа девори ва катта ҳажмдаги тўғри тўртбурчакли хом гиштлардан ярим айлана шаклда икки қаватли қилиб қурилган 30 га яқин бурж аниқланган.

ГЎЗАЛ ВОҲА БЎЙЛАБ
ҚОЛГАН ТАБАРРУК ИЗЛАР

Шунингдек, қалъа-шаҳарда тураржойлар, кулолларнинг маҳалласи, уларнинг устохоналари, кулолчилик хумдонларида пиширилган сопол буюмлар, шаҳарни сув билан таъминлашда ишлатилган сопол қувурлар каби топила-малар ҳақида гапириш мумкин.

Археологик тадқиқотларда Амир Темури ва темурийлар даврида бу диё-рда қатор-қатор тураржойлар, мудофаа иншоотлари, металл ишлаш хумдонлари каби қурилишлар қилинган. Бу воҳадаги юзлаб ёдгорликларнинг замирида XIV-XV асрларга оид маданий қатламлар борлиги аниқланган. Жумладан, Чирчиқ ҳавзасидаги бир қатор мудофаа иншоотлари, шаҳар хароба-

лари, Охангарон ҳавзасидаги қишлоқ ва шаҳар харобалари, Тошкентнинг ўзидаги Бузгонтепа — йирик мудофаа иншооти харобалари, Шўртепа, Таукаттепа, Нўғойқўрғон каби ёдгорликлар, Шайх Хованди Тоҳур мақбараси қабиларни тилга олиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темури ва унинг авлодлари даврида стратегик жиҳатдан муҳим ҳисобланган Тошкент вилоятига алоҳида аҳамият берилганлиги ҳозирги кунгача сақланиб қолган ўнлаб ёдгорликлар гувоҳдир.

Ўткир АЛИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Темурийлар тарихи давлат музейи директори муовини.

Ҳаёт сабоқлари

МЕН, БУВИМ ВА ҚАЙМОҚЧИ ХОЛА

Қишлоқдан ўқишга қайтар чоғимда онам тўртта патирини халтамага солиб: «Бувингникига боруведим, сенга атаб бериб юбордилар. Ўртоқларинг билан ерсан», деб қолдилар. Шунда бувим кўз олдимга келдилар. Олов уфуриб турган тандир ёнида юрибдилар, манглайларида маржон-маржон тер, ҳорғин кўзлари менга термулиб тургандек. Уларни жуда соғинганимни бирдан ҳис қилдим. Афсус, уларни бу сафар ҳам кўра олма-кетаямман...

Онам билан хайрлаш-гач, йўлга отландим. Шаҳарга етиб келгач, манзил сари элтадиган автобусни кута бошладим. Пойтахт одамлар билан гавжум, тинмай йўлнинг у ёғидан бўёга ўтишди...

Ҳаёлимни бўш банкларнинг тарақ-туруғи бузиб юборди. Орқамга ўтирилсам, кекса ёшли бир онахон менга тикилиб турибди:

— Болам, бир банка қаймоғим қилиб кетди, шуни уйга олиб кетмай. Арзонгинага бўлса ҳам ола қолинг.

Пуллим кам бўлгани учун узр айтдим.

— Ундай деманг, болам. Бир ярим минг сўм берсангиз ҳам майли. Қувват бўлади, ахир, — онахон шундай дея қўлимга ярим литрлик банкани тутқазиб қўйди.

Ахир ради этолладим. Онахонга қараб туриб, негадир соғинган бувимни эсладим, гапларидан уларга ўхшаб кетар экан. Айтилган пулни узатдим.

Етоқхонага қайфиятим чоғ ҳолатда етиб бордим. Дўстларим билан қаймоқ ахвол сурашган, қаймоқ билан патирини дастурхон устига қўйиб:

— Бувим бериб юбордилар, — дедим мағрур оҳангда.

Патирини ушатган, қаймоғни очдим. Қўзимга ёғли бўлиб кўриниб кетди. Сўнг қосага «қаймоқ»ни солганимни биламан, хонани галати ҳид босиб кетди.

Қоним қайнаб ўрнимдан туриб кетдим:

— Э-э, сендака...

... Сўкинганларни ёқтирмайман ва ўзим ҳам тилимни бунақа сўзлардан пок тутардим. Лекин бугун бунга қандай йўл қўйганимни англолмай қолдим. Ахир мен у қаймоқчи кампири бувимга ўхшатган эдим-а...

Расул КУШЕРБОВЕВ,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси.

СканВорг

					Сергак					Оливер... (Давро- забон)
Чин, ёлон эмас	Илти- қом	Шаҳар (Фраг- ция)	Нетиз	Мато турп	Батор (шаҳар)	Яқин- нинг антоними	Вертолет русуми	Саток сон	Мадда	
			Транс- порт тури		Бўхтон			Нона- дум сон		
Чегара, ҳад (адабий)	СПИД (ўзбек- ча)			Зебра ранги		Шаҳар (Тошкент вилояти)				Микро- автобус
				Жаннат меваси	Машпо- дош сўзлар	Никоб (русча)	Кулоғи онир			
Тоғ (Ўзбек- истон)	Рад					Жеңме (сайёх)				
		Буйи узун, новча	Номус		Бурж (футбол- чи)			Конфет тури	Илон (форсча)	
Майдон ўлчови	Моҳир	Ваъз- хон			Тилла Олим, фузало				Нон тури	
		Дурадор асбоби			Билим қамити				Илгичча харф	
Жароҳат	Сув йўли		Кўёш худоси	Грек харфи	Бармоқ ўлчови					

Тузувчи Нурилло НЎМОМОНОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:

Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими:
136-53-09.
Эълонлар: 133-90-82,
136-53-54.

Манзилимиз:

700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти

Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.

Эълон ва билди-
рувлардаги факт
ҳақида далилларнинг
тўғрилиги учун рек-
лама ва эълон бе-
рувчилар масъулдир.